



29.09.2022 даги

JEYNOV FAVVORASI MCHJ ва Миришкор туман хокимлиги Давлат жамгармаси ўртасида 8900000,00 сўм  
умумий суммага тузилган 6 - сонли шартномага

**ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ\***

Бсб 018  
Шахсий газна ҳисобварак 305122860102337109602018001

2022 й. ойлар номн.	Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди)			сўмда
	4821190			Жами
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь	8 900 000,00			8 900 000,00
Ноябрь				
Декабрь				
Жами йил бўйича	8 900 000,00			8 900 000,00

Жами 8900000,00 сўм

Саккиз миллион тўққиз юз минг сўм 00 тийин

сумма сўз билан

Юкоридаги кўрсатилган суммадан 8900000,00 сўм ёки 100,00%\*\*\* шартноманинг умумий суммасидан  
% \*\*\*20 ойда тўланиши лозим.

(\* ) — бюджет ташкилоти, бюджет маблаги олувчи ва БМЖ маблаги олувчи томонидан газначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(\*\*) — бўлим, кичик бўлим ва харажат молдаси кўрсатилди;

(\*\*\*) — Юкоридаги кўрсатилган суммалан оёнга % жорий оёнинг санасига ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сарф бюджет ташкилоти, бюджет маблаги олувчи ва БМЖ маблаги олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) стқазиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга оширини холларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари



*(Signature)*  
(имзо)

Сариков Анвар Азаматович  
Ф.И.Ш

Буюртмачи бош бухгалтери

*(Signature)*  
(имзо)

Арзикулов Ҳамза  
Ф.И.Ш

Газначилик бўлинмасининг  
ходими қабул қилди

(имзо)

Буюртмачи ходими  
қабул қилди

*(Signature)*  
(имзо)

« » 20 й.

« » 20 й.

Буюмлар  
қўлдан келиш  
қўлдан келиш

Вазирлар Маҳкамасининг  
2003 йил 12 сентябрдаги  
395-сон қарорига  
3-ИЛОВА

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

№ 06

29.09.2022 йил

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Миришкор туман хокимлиги устав асосида иш кўрувчи А.Сариков бир томондан ва «Жейнов Фаввораси» МЧЖ кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган низом асосида иш кўрувчи К.Жумаев ишлари учун мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### I. ТАРИФЛАР

1. Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:  
**ижро ҳужжатлари** - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, берkitиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қондаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;  
**қурилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;  
**вақтинчалик иншоотлар** - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;  
**берkitиладиган ишлар** - сифати ва анкилигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан берkitиладиган ишлар;  
**шартнома нархини бўлиб чиқиш** - ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига лойиҳада кўзда тутилган объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади. Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шартлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. ШАРТНОМА БҮЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва конкурс комиссиясининг қарори (2021 йил 48-сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 8900000 сум (Саккиз миллион тўққиз юз минг) сум ни ташкил этади (сумма ёзув билан)

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини қўпайтиришга снгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;  
ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;  
объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб Утилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун: барча ишларни мазкур шартномада ҳамда ушга \_\_\_ иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан бажариши ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириши;

\_\_\_ иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омондорга жойлаш ва сақлаш; қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриши;



Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;  
қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофизат қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;  
қурилиш таваккалчиликларини сўтурта қилиш;  
мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;  
қурилиш майдони қуриқланишини таъминлаш;  
мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулккий жавоб беради.

#### V. БУЮРТМАЧИНИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:  
мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага \_\_\_ - иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;  
ишлар бажарилиши устидан донмий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;  
Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;  
молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига \_\_\_-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;  
мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;  
мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

#### VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

10. Шартнома:  
миллий валюта "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;  
кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - шартнома конун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради. Шартномани амал қилиш муддати 2022 йил 31- декабргача

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан \_\_\_ кунини ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

#### VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30% фонзи миқдоридан аванс ўтказиши, бу 2670000 сўмини ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (-илова).

16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 50 фонзигача доирасида амалга оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган 50 фонзи учун Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин икки босқичда;  
объект қабул комиссияси томонидан қабул қилинган кундан бошлаб бир ой мобайнида - ишлар қийматининг камида 45 фонзи миқдорида;  
мазкур шартномада белгиланган кафолатли муддат тамом бўлгандан кейин - ишлар қийматининг 5 фонзигача миқдорида, бироқ молия йили тугамасдан амалга оширилади.

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.



## VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

20. Буюртмачи курилиш майдонидида ўз вакилини - техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.
21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.
22. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган курилиш майдонидида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йигилишларда мунтазам равишда катнашади.
23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадаллига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.
24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-курулиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонуи ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.
25. Курилиш майдонидида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.
26. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортикча тупрок ва курилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни казиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.
27. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда курилиш майдонини белгиланган бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.
28. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради. Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.
29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлаштириш схемалари ва жадалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.
30. Курилиш майдонидида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.
31. Пудратчи ўзи томонидан курилишда қўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.
32. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва "Давархитекткурулишназорат" инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.
33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг "Давархитекткурулишназорат" инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.
34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарида киритилган ёзма руҳсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.
35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиқсиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгга эса уни тиклашга мажбурдир. Пудратчи Буюртмачининг маифеатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четта чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.
36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва курилиш қийматини қўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.
- Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата оламаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.
37. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ қўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди, курилиш даврида майдондан курилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.
38. Ишлар бошланган пайдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тўқмоқ бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, курилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.



Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан келинмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.  
Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосан равишда кўрсатишган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чораларидан қўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

#### IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

39. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдонини ҳудудда материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминтайди.

40. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

#### X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КҮЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажарилмаслик учун жавобгарликдан озод этилади.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзасига келтирилган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.

43. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

#### XI. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ

44. Қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қондаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб \_\_\_ кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46. Пудратчи қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусxada иккун хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

#### XII. КАФОЛАТЛАР

48. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха хужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қондалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатишган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қондаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камидан \_\_\_ ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолатли муддати камидан \_\_\_ ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатишган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатишган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш "Давархитектқурилиш назорат" органилари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

#### XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ



52. Буюртмачи:  
шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўн вақтга кечиктирилганда;  
ишларни тутатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;  
Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;  
қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи:  
ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;  
Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;  
қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

#### XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:  
иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;  
Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг \_\_\_ фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг \_\_\_ фоизидан ошмаслиги лозим.  
Пеня тўлаши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг \_\_\_ фоизи миқдорига жарима тўлайди.

61. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг \_\_\_ фоизи миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг \_\_\_ фоизидан ошмаслиги лозим.  
Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва қачилиқлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг \_\_\_ фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг \_\_\_ фоизидан ошмаслиги керак.  
Пеня тўлаш Пудратчини, ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи "Давархитектқурилиш назорат" инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош торттиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг \_\_\_ фоизи миқдорига жарима ундириш ҳуқуқига эга.

63. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой қерилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

64. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

#### XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

#### XVII. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

66. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

67. Пудратчи қурилиш объектга ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатсиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

68. Мазкур шартномага барча Узгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

69. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки Узгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

70. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида Узига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш сарасиғича бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

72. Бош пудратчи ёрдамчи пудратчига 04% гача устима олиниши мумкин.

73. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 3 нусxada тузилди.

#### XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАЅИЛЛАРИ:

##### Буюртмачи:

Миришкор туман ҳокимлиги  
Манзил: Янги миришкор шаҳарчаси.  
тел: факс.652-14-65  
ШХВ 305122860102337109602018001  
ИНН: 200701260  
ОКОНХ: 97600  
Молния вазирлиги газначилик ягона газна  
ҳисоб варағи.  
Х/Р: 23402000300100001010  
Банк номи: Тошкент Марказий банки ХККМ  
МФО: 00014 : ИНН: 20112919



Рахбар: А.Сариков

##### Пудратчи:

«Жейнов Фаввораси» МЧЖ  
Манзил; Миришкор туман Жейнов шаҳарчаси  
Телефон: 93 512 49 53  
Х/р: 2020800030091308201  
Банк номи: Миришкор Агро банк  
МФО: 00184 ИНН 305722030



ИМЗО



**Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 153016 на приобретение Текущий ремонт жилого дома Итолмасовой Норжон в МФЙ Маданият Миришкорского района**

Способ проведения электронный

Дата 27.09.2022

Время рассмотрения 27.09.2022 14:59

Закупочная комиссия Миришкор туман хокимлиги аёллар дафтари, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	ESHMURODOV ANVAR SHERALIYEVICH	Рахбар	Миришкор Туман Хокимлиги
<b>Секретарь комиссии</b>	Тошматов ШавкатХасанович	Котиб	Миришкор Туман Хокимлиги
<b>Член комиссии</b>	TOSHOV AKMALJON BEKNAZAROVICH	Комиссия аъзоси	Миришкор Туман Хокимлиги
<b>Член комиссии</b>	Арзикулов Хамза xxx	Комиссия аъзоси	Миришкор Туман Хокимлиги
<b>Член комиссии</b>	Ачилов Жамолиддин Хамраевич	Комиссия аъзоси	Миришкор туман Хокимлиги
<b>Член комиссии</b>	Чуллиев Улаш Муродович	Комиссия аъзоси	Миришкор Туман Хокимлиги

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 27.09.2022 года № лота 153016.  
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 70.00 / Весовой коэф. ценовой части: 30.00)

Мин. балл: 20

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	Услуга текущему ремонту жилых зданий
<b>Подробное описание</b>	Текущий ремонт жилого дома Итолмасовой Норжон в МФЙ Маданият Миришкорского района
<b>Количество товара</b>	1.00
<b>Единица измерения</b>	
<b>Цена товара (услуги) за единицу</b>	8 986 149.00
<b>Стартовая сумма</b>	8 986 149.00
<b>Валюта</b>	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Инженер ва техник ходимлар тугрисида маълумотлар такдим этиши шарт

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично



Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
JEYNOV FAVVORASI MCHJ	25	файл илова килинди	25	Экспертная		
ЧП ELDORBEK XQTK	25	файл илова килинди	15	Экспертная		

Критерий №2 Ташкилот низоми ва руйхатдан утказгалиги тугрисида гувоҳнома

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
JEYNOV FAVVORASI MCHJ	25	файл илова килинди	25	Экспертная		
ЧП ELDORBEK XQTK	25	файл илова килинди	15	Экспертная		

Критерий №3 Ташкилотни балансида мавжуд машина механизмлари тугрисида

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
JEYNOV FAVVORASI MCHJ	25	файл илова килинди	25	Экспертная		
ЧП ELDORBEK XQTK	25	файл илова килинди	15	Экспертная		

Критерий №4 Соликдан ва бошка мажбурий туловлардан карзи йуклиги тугрисида

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
JEYNOV FAVVORASI MCHJ	25	файл илова килинди	25	Экспертная		
ЧП ELDORBEK XQTK	25	файл илова килинди	15	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом	Применение преференции	Общее значение	Дата предложения	Оценка стоимости



			конвертации (UZS)		(UZS)		(балл)
JEYNOV FAVVORASI MCHJ	8 986 149.00	8 900 000.00 UZS	8 900 000.00	00.00	8 900 000.00	27.09.2022 10:53:41	30
ЧП ELDORBEK XQTK	8 986 149.00	8 980 000.00 UZS	8 980 000.00	00.00	8 980 000.00	27.09.2022 11:19:40	29.73274

Итоговая оценка участников включая финансовую часть составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
JEYNOV FAVVORASI MCHJ	70	30	100
ЧП ELDORBEK XQTK	42	29.73274	71.73274

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 153016 от 27.09.2022 года на приобретение Текущий ремонт жилого дома Итолмасовой Норжон в МФИ Маданият Миришкорского района определила победителем:

JEYNOV FAVVORASI MCHJ  
305722030

и резервный исполнитель: ЧП ELDORBEK XQTK (305752588)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	ESHMURODOV ANVAR SHERALIYEVICH	Согласен	
Член комиссии	Арзикулов Хамза xxx	Согласен	
Член комиссии	Ачилов Жамолиддин Хамраевич	Согласен	
Член комиссии	Чуллийев Улаш Муродович	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



## Ҳ У Қ У Қ И Й Х У Л О С А

Миришкор туман

“ 29 ” 09 2022 йил

Миришкор туман ҳокимлиги ва “Жейнов фаввораси” МЧЖдан туман ҳокимлигига Итолмасова Норжоннинг яшаш уйини таъмирлаш учун 2022 йил 29 сентябрда тузилган № 6-сонли шартнома сўммаси 8 900 000 (Саккиз миллион тўққиз юз минг) сўмлик шартнома Ўзбекистон Республикаси фуқоролик кодексининг 437-456 моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий- ҳуқуқий баъзаси тўғрисидаги 1998 йил 29 августдаги № 670-1-сонли қонуни талаблари асосида тузилган.

Шунингдек:

-Шартнома талаблари:

-Шартнома мажбўриятлари ни бузилиш ҳолатлари бўйича жавобгарлик ва низоларни ҳал этиш чоралари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига жавоб беради.

Ҳуқуқшунос:



Ж.Эшмуродов



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартдаги 145-сонли қарори асосида “Аёллар дафтарига киритилган Боқувчиси бўлмаган ва Ижтимоий ёрдамга мухтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган, шунингдек, тезкор тиббий муолажага мухтож эҳтиёжманд хотин-қизларнинг. уй-жойларини таъмирлаш харажатларини тўлаб бериш тўғрисида

## ҚАРОРИ

2022 йил 14 сентябрь

9 - сонли

Янги Миришкор шаҳарчаси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартдаги 145-сонли қарори асосида “Аёллар дафтарига киритилган Боқувчиси бўлмаган ва Ижтимоий ёрдамга мухтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган, шунингдек, тезкор тиббий муолажага мухтож эҳтиёжманд хотин-қизларнинг. уй-жойларини таъмирлаш харажатларини тўлаб бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартда “Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 145-сон қарори 2-илоvasи, 3-бобнинг 5-банди ижросини таъминлаш мақсадида Васийлик Кенгаши

### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартда “Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 145-сон қарорининг 2-илоvasи, 3-бобнинг 5-банди ижроси маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. “Аёллар дафтари”га киритилган Боқувчиси бўлмаган ва Ижтимоий ёрдамга мухтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган, шунингдек, тезкор тиббий муолажага мухтож эҳтиёжманд хотин-қизларнинг уй-жойларини таъмирлаш учун **4 нафар** хотин-қизларни рўйхати 1-иловага мувофиқ шакллантирилсин.

3. “Аёллар дафтари” рўйхатига киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармалари тўғрисидаги Низомнинг 4-бобнинг 7-бандига кўра «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларнинг эҳтиёжлари ва хошиш истаклари ўрганиш натижалари бўйича уларни қўллаб-қувватлаш доирасидаги Боқувчиси бўлмаган ва Ижтимоий ёрдамга мухтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган, шунингдек, тезкор тиббий муолажага мухтож эҳтиёжманд хотин-қизларнинг уй-жойларини таъмирлаш учун “Аёллар дафтари” жамғармаси ҳисобидан молиялаштириш мақсадида, **8 нафар** хотин-қизларни уй жойларини таъмирлаш учун “**JEYNOV FAVORASI**” МЧЖ қурилиш фирмасига **72 000 000 (ўттиз олти миллион) сўм** ажратиб берилсин.

4. .Миришкор туман ҳокимлиги бош ҳисобчиси (Ҳ.Арзикулов)га ажратилган маблағларни ўз вақтида ўтказиб бериш вазифаси юклатилсин.

6. Ушбу баён ижросини назорат қилиш Васийлик кенгаши раиси ўринбосари А.Сариқов зиммасига юклатилсин.

Васийлик Кенгаши раиси:



З.Маманазарова